

1-мавзу:
ПЕДАГОГИКА фанини
ўрганиш зарурияти

Режа

- 1. Жамият ва олам ривожидда педагогиканинг мохияти.**
- 2. Педагогиканинг объекти ва предметининг такомиллашганлиги.**
- 3. Педагогиканинг мақсад, вазифалари ва асосий тушунчалари (категориялари).**
- 4. Миллий ғоя ва миллий мафкурани шакллантиришда педагогиканинг тутган ўрни.**

1.Жамият ва олам ривожидда педагогиканинг мохияти.

Инсонни дунёга келиши, фақат туғилишидан иборат табиий-биологик ходиса эмас, балки туғилгандан кейин ўз замонасининг тараққиёти даражасига кўтарилиши, мавжуд ижтимоий-тарихий тажрибани эгаллаши, жамиятда ўз ўрнини белгилаб олиши, тарихий жараёнининг фаол иштирокчисига айланиши, яъни тарбия олиши керак. Бу жараёнда катта авлод ўзининг яшаш, кураш ва меҳнат тажрибасини, билим ва малакаларини кичик авлодларга бера бошлайди, яъни янги туғилган одам

боласининг ривожланиши, шаклланиши ва вояга етиши жараёнига рахбарлик қилинган, бошқарилган.

Бу тарбия деб аталмиш ижтимоий ходиса орқали амалга оширилган. Жамият ривожлангани сари етук, баркамол шахсларни етиштириш эҳтиёжи хам ортиб борган хамда ўзгариб, янгиланиб, жамиятга хизмат қилган. Инсоният жамиятнинг турли босқичларида таълим-тарбия муассасаларини яратиш, ёш авлодларни ўқитиш ва тарбиялаш соҳасидаги тажрибаларни назарий жихатдан англаш, умумлаштириш ва хаётга тадбиқ қилиш жараёнида

Педагогика фани пайдо бўла бошлади.
Педагогика таълим-тарбиянинг мақсади
ва вазифалари, давлат таълим
стандартлари, таълим ва тарбиянинг
усуллари, ташкил этиш шакллари,
умуман унинг қонуниятлари хақида
билим, маълумот берадиган фанга
айланди.

2. Педагогиканинг объекти ва предметининг такомиллашганлиги.

Педагогика атамаси хам қадимий бўлиб, “**бола етакловчи**” деган маънони билдирувчи грекча “**пайдогос**” сўзидан келиб чиққан. **Тарихий** манбаларнинг кўрсатишича, қадимги Юнонистонда ўз хўжайинининг болаларини сайр қилдирган, эҳтиёт қилган тарбиячини, яъни қулларни “**педагог**” (бола етакловчи) деб аташган. Кейинчалик эса, махсус ўқитилган ва педагогликни ўзига касб қилиб олган кишиларни **педагог** деб атай бошлашган.

Педагогика фанининг **предмети**,
ўқитишнинг таълим-тарбиянинг
замонавий қонуниятлари, мазмуни,
усуллари, воситалари билан кишиларни,
ёшларни, мутахассисларни
қуроллантирувчи **фан бўлганлиги учун**
унинг методологик асослари мақсад ва
вазифалари дунёнинг моддий-маънавий
ривожига шахс камолоти уйғунлиги
қонуниятлари ва давлатнинг замонавий
сиёсатидан келиб чиқади.

3. Педагогиканинг мақсад, вазифалари ва асосий тушунчалари (категориялари).

Таълимнинг, ўқитишнинг вазифаси
фуқаролар, ёшларнинг **энг асосий**
Конституциявий ҳуқуқларидан бири
бўлган ҳар бир кишининг ақлий-амалий
имкониятларини рўёбга чиқариш,
ижодий қобилиятларини намоён этиш,
интеллектуал жихатдан ривожини
таъминлаш, ўзи хоҳлаган касбини
танлаш, уни мукаммал эгаллаб, шу

сохада бахтиёр фаолият кўрсатиш учун моддий-маънавий, тарбиявий-дидактик шарт-шароит яратишдан иборатдир. Бу умумий вазифадан таълимнинг хар бир бўғини, тури ва босқичларининг ўзига хос вазифалари келиб чиқади.

Ривожлантириш, шакллантириш, таълим ва тарбия, маълумот педагогиканинг асосий категориялари ёки тушунчалари деб аталади.

Таълим педагогларнинг (билим бериш) фаолиятидан ва ўқувчи-талабаларнинг (билим олиш, ўқиш) фаолиятларидан иборат қўшалок

Мавзу буйича таянч сўзлар :

Маънавият, ақлий, ахлоқий, амалий,
жисмоний сифатлар, тарбия, таълим,
эзгу ният, эзгу сўз, эзгу иш, предмет,
объект, этнография.

АДАБИЁТЛАР:

1. Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги қонуни. Т, 1997.
2. Ўзбекистон Республикаси “Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури”. Т, 1997.
3. И. Каримов. «Баркамол авлод – ўзбекистон тараққиётининг пойдевори”. Т. 1997.
4. И.Каримов. «Донишманд халқимизнинг мустахкам иродасига ишонаман». Т. 2000.
5. Ўзбек педагогикаси тарихи. (қўлланма. проф. А.Зуннунов тахрири остида). Т. “ўқитувчи”. 1997.
6. Педагогика. (қўлланма. А Мунавваров тахрири остида) Т. “ўқитувчи”. 1996.
7. Педагогика. (қўлланма. проф. А.Ильина тахрири остида). М. 1984.
- 8.Очилов М. Университетлар тизимида педагог ходимлар тайёрлаш муаммолари. “Таълим ва тарбия” журнали. 1997. 5-6 сон.
9. Педагогика. (Маърузалар матни. Проф. Н.ғайбуллаев тахрири остида). Т. «Университет». 1999.